ЦЗЯН Янь:

# «ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЯХШИ ИШЧАНЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА ЎЗАРО ДЎСТЛИГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КУЧЛИ ТУРТКИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу жараёнда давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, суд ҳамда маъмурий соҳаларни ислоҳ қилиш, халқнинг кундалик турмушига оид масалаларни ўз вақтида ҳал этиш учун интернет-порталлар очиш асосида илгари тўпланиб қолган муаммолар ечимини топаяпти, аҳолининг моддий таъминоти яхшиланаяпти. Яхши қўшничилик алоқалари фаол равишда қайта тикланмоқда, минтақавий ҳамкорлик ривожланиб, халқаро муносабатлар мустаҳкамланаётир. Бу борада ажойиб натижаларга эришилмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон халқи Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат тараққиётида янги саҳифа очди.

Бу йил Хитойдаги ислоҳотлар ҳамда очиқлик сиёсатига 40 йил тўлди. Хитой ва Ўзбекистон учун узоқ муддатли истиқболда жуда муҳим ҳисобланган "ислоҳотлар" ҳамда "очиқлик" тушунчалари хитой — ўзбек муносабатларини илгари суришда тарихий имкониятдир. Ўзбек томони ўз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб ўтказаётган ислоҳотларни хитой томони қадрлайди ва Ўзбекистон билан кенг миқёсдаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашни давом эттиришга, давлатларимиз тараққиёти ҳамда гуллаб-яшнашини рағбатлантириш мақсадида тажриба алмашишга тайёр.

***— Тарихий имкониятлар ҳақида сўз борар экан, эрамиздан икки аср муқаддам бу ерга хитойлик дипломат Чжан Цзянь келганлиги ва Буюк Ипак йўлига асос солганлигини эсга олмаслик мумкин эмас. "Бир макон, бир йўл" деб номланган глобал ташаббус орқали қитъаларни бирлаштирувчи магистраль қайта тикланмоқда. Бу лойиҳани рўёбга чиқариш доирасида ХХР ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланаяпти? Унда қатнашиш Ўзбекистонга қандай афзалликларни тақдим қилади?***

— Мамлакатларимиз етакчилари эришган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда хитой ва ўзбек томони кейинги йиллар ичида "Бир макон, бир йўл"ни қуриш бўйича амалий ҳамкорлик йўналишида муҳим натижаларни қўлга киритди. Хитой — Марказий Осиё газ тармоғи, Ангрен — Поп темир йўл туннели, "Пенг-Шенг" саноат парки, Ангрен ИЭС каби йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилди ҳамда бу ҳар икки мамлакат халқи ва иқтисодиётига сезиларли фойда келтирди. Айни вақтда Ангрен шина заводи, Навоий вилоятида поливинилхлорид ишлаб чиқарувчи мажмуа, Шарғун кўмир кони ҳамда бошқа иншоотлар қурилаяпти. 2017 йил охирида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон йўналишида автомобиль йўли очилиши туфайли юк ташиш учун кетадиган вақт анча қисқарди. Образли қилиб айтганда, Шарқдан эсган "Макон ва йўл" шамолининг бунёдкор эпкинидан илҳомланиб, таълим, оммавий ахборот воситалари, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамладик, биргаликда археологик изланишлар, маданий тадбирлар ўтказишни бошладик. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси бизларни амалий ҳамда маънавий жиҳатдан янада яқинлаштирди, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги платформа яратди.

Ўзбекистон — қадимий Буюк Ипак йўлидаги муҳим бўғинлардан бири. У "Бир макон, бир йўл" ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади ва иштирок этди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили май ойида Хитойга тарихий ташрифи доирасида ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашув бўлиб ўтди ҳамда унда ана шу глобал лойиҳани рўёбга чиқаришдаги хитой — ўзбек ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди. Аминманки, тинчликсеварлик ва ҳамкорлик, очиқлик ҳамда инклюзивлик, ўзаро манфаат билан ажралиб турувчи Буюк Ипак йўли руҳида ривожланиб бораётган Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янада юқори даражага кўтарилади.

***— Сиз эслаб ўтган Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига қилган давлат ташрифига бир йил тўлди. Унинг якунига кўра, мислсиз катта миқдор — 23 миллиард долларлик келишувларга эришилган эди. Шу келишувларни рўёбга чиқариш жараёни қандай бораяпти?***

> Айнан шу "олтин давр"да сизнинг ажойиб мамлакатингизда Хитой ҳамда Ўзбекистон дўстлигининг элчиси бўлиш — мен учун улкан шараф.

— Хитой ва Ўзбекистон томонлари ўша ташрифда имзоланган келишувларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор бераяпти. Ўзбек томони уларни бажариш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқди ҳамда унга асосан, узвий мулоқот ўрнатилди, тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилди. ХХР ўзбек мутахассисларининг Хитойга ишчи сафарларини уюштирди ва улар махсус иқтисодий зоналар ташкил қилиш тажрибаси билан танишдилар. Шунингдек, ўрта ҳамда кичик ГЭСлар қурилишида силжишлар бор. Ўзбек моши ва гилосини Хитойга экспортга чиқаришга рухсат олинди. Яқинда минг тоннадан зиёд мош Тошкентдан Сианга етиб борди.

Икки мамлакатнинг ҳудудий делегациялар алмашуви фаоллашди. Апрель-май ойларида юқори даражадаги делегациялар ташрифининг давоми сифатида Ўзбекистоннинг еттита вилоятидан вакиллар Хитойга борди. Ўзбек томонининг маълумотларига кўра, 2017 йил якуни бўйича мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси 4,97 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса мазкур кўрсаткич 1,38 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 46 фоиз юқори бўлди. Хитой — ўзбек амалий ҳамкорлигининг улкан салоҳияти ҳамда кенг имкониятларига ишонамиз.

***— Шарқ дипломатиясида мамлакатлар ҳамкорлиги уларнинг раҳбарлари ўртасидаги ўзаро шахсий муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. ХХР Раиси ва Ўзбекистон Президентининг муносабатлари даражасини қандай баҳолаган бўлардингиз?***

— Хитой ҳамда Ўзбекистон етакчиларининг мустаҳкам дўстлиги узоқ вақт давомида икки томонлама муносабатлар ривожида стратегик аҳамиятга эга бўлиб келади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ўтган йилги ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёноти имзоланди. Бу эса аввалги анъаналарни сақлаган ҳолда, алоқаларни янада ривожлантириш бўйича янги даврни бошлаб берди. Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида раҳбарларимиз кўп марта ёзишмалар алмашишди. Ишонч билан айтиш мумкинки, икки етакчи эзгу мақсадли ишчан муносабатларни ҳамда мустаҳкам дўстлик ришталарини боғлашди. Бу омил турли соҳалардаги алоқаларни равнақ топтиришда кучли туртки бўлиб хизмат қилади.

***— Ўзбекистон тараққиёти Шавкат Мирзиёев илгари сурган Ҳаракатлар стратегиясига асосланган. Хитой эса Си Цзиньпиннинг Коммунистик партия XIX съездидаги маърузасини "Йўл харитаси" сифатида қабул қилди. Ушбу дастурий ҳужжатларда умумий, ўхшаш жиҳатлар борми?***

— 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатнинг тараққиёт курси, ўсиш вектори белгилаб берилган. ХКПнинг XIX Бутунхитой съездидаги маърузасида эса Си Цзиньпиннинг янги даврга мос хитойча социализм тўғрисидаги ғояси таклиф этилган бўлиб, у хитой миллатининг буюк тикланиши учун йўналиш сифатида талқин қилинган. Мамлакатларимизнинг келажагини белгилаб берувчи мазкур икки дастурий ҳужжат умумий жиҳатларга эга. У ҳам бўлса, халққа таянган ҳолда ва халқ манфаатларини ўйлаб ривожланишдир. Хитой ҳамда Ўзбекистон ўз олдига ривожланиш ва тикланиш миссиясини қўйди, бунда мамлакатларнинг ўзига хослиги ҳамда одамларнинг манфаатлари алоҳида инобатга олинди. Руҳига кўра бир-бирига ўхшаш концепциялар икки томонлама дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ишончли тарзда қўллаб-қувватлайди.

Кейинги босқичларда томонлар давлат бошқаруви бўйича тажриба алмашиш, тараққиёт стратегияларини жадаллаштириш, "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий ўсиш имкониятларидан биргаликда фойдаланиш, замонавий хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш каби йўналишларни кучайтиришлари мумкин.

***— Президент Фармони билан хитойлик сайёҳлар учун Ўзбекистонга виза расмийлаштиришда янги, соддалаштирилган тартиб жорий этилди. Бу қарор Хитойдан келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга таъсир кўрсатдими?***

— Ўтган йили Хитой томони ўзбекистонлик давлат хизматчилари ҳамда тадбиркорлар учун, ўзбек томони эса хитойлик сайёҳлар учун виза режимини соддалаштиришди. Бу фуқароларимиз ўртасидаги сафар алмашувларни фаоллаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Хитой томони Ўзбекистоннинг бундай саъй-ҳаракатларини олқишлайди. Бугунги кунда Хитой сайёҳларининг Ўзбекистонга келиши кўрсаткичи ўсиб бормоқда. Аминманки, Ўзбекистонда саноатнинг жадал ривожи, инфратузилманинг такомиллашуви, хизмат кўрсатиш даражасининг яхшиланиши туфайли бу гўзал ва меҳмондўст диёрга келишни хоҳловчи хитойликлар сони яна ҳам кўпаяди.

Қадимий Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини бўлган Ўзбекистон бой туристик салоҳиятга эга. Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари шаҳарлар дунёга машҳур, ўзбек миллий ошхонаси эса палов, сомса каби таомлари билан ўзига жалб қилади. Чин дилдан ишонаман, ҳар икки мамлакат сайёҳлари худди қариндошлардай бир-бирлариникига меҳмонга боришади, маҳаллий урф-одатлар билан танишиб, мазали таомларни бирга тановул этишади ва шу асосда дўстлик ришталари янада мустаҳкамланади. Элчи сифатида ўзбек томони билан туризм соҳасидаги салоҳиятни тўла рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламан.

**Руслан КЕНЖАЕВ**
**суҳбатлашди.**

# ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Рақамлар кескин ортиб бораётир. Туман солиқ инспекцияси билан мазкур масалани ўрганганимизда, бунга тегишли комиссиянинг яхши ишламаётгани ҳамда амалдаги мавжуд тартиб-қоидаларнинг мураккаблиги сабаб бўлаётгани аёнлашди.

Депутат эътиборимизни тумандаги яна бир ҳолатга қаратди. Унинг айтишича, ҳудудда жами 63 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, шулардан 39 тасида якка тартибдаги уй-жойлар жойлашган. Ҳозирги кунда аҳолининг ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари учраб турибди. Бундай эгаллаб олинган тураржойлар сони 2253 тани, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар сони эса 333 тани ташкил қилаяпти. Энг қизиғи, бундан маҳалла фаоллари, кадастр хизмати инспекторлари хабардор, аммо ижобий натижа йўқ. Ушбу масала ҳам туман Кенгаши сессиясига кўриб чиқиш учун киритилади.

Таълим — ҳар бир инсонни комилликка етакловчи муҳим омил. Депутатлар тумандаги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ўрганиб, бу борада ҳам ечимини кутаётган муаммоларни бирин-кетин қоғозга туширишди.

— Бу галги ўрганишларимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда асосий эътибор таълим муассасаларидаги бўш иш ўринларига қаратилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Абдуқодиров. — Масалан, ҳудуддаги мавжуд 55 га яқин мактабгача таълим муассасаларида жами 3 мингга яқин иш бирликлари бор. Уларда ишлаётганлар сони 2500 дан ортиқ, қолган 400 га яқин штат бирликлари эса ишлаётганларга юклама сифатида берилган. 150 дан ортиқ тарбиячилар иш ўринларига, 100 га яқин ёрдамчи тарбиячиларга эҳтиёж бор. Худди шунингдек, умумтаълим мактабларида 500 дан ортиқ ўқитувчилар таълим беради. Мактаблардаги рус гуруҳлари учун фан ўқитувчилари етишмаслиги муаммолигича қолаяпти.

Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг озиқ-овқат билан таъминланиши бўйича назорат олиб борганимизда, айрим камчиликлар кўзга ташланди. Президентимиз ўтган йилдаги видеоселектор йиғилишида тарбияланувчиларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказилишини таъминлаш, маҳсулотларнинг амалдаги режаларга мослиги, сифатини текширишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бунда ҳар бир туман, шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилиб, улар боғчаларни тўсатдан текшириб, ўрганиш натижаларини муҳокама қилишларини қатъий белгилаган эди. Лекин ўрганишларда ҳозиргача бу бўйича тўлиқ маълумот ололмадик.

Муаммолар талайгина, аммо уларни ҳал этишда, энг аввало, нималарга аҳамият қаратиш керак, деган табиий савол туғилади. Айниқса, ички йўлларни, уйларни таъмирлаш, электр таъминотидаги узилишларга барҳам бериш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, таълим муассасаларини капитал реконструкция қилиш каби аҳоли мурожаатлари хусусида гап кетганда, маблағни тақсимлаш масаласи долзарблигини кўрсатади.

— Туман маҳаллий бюджет харажатларини параметрда кўзда тутишда юқори турувчи ташкилот томонидан умумий ҳажмлари ва соҳалар кесимида тақсимоти берилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Ҳусанова. — Яъни реал талаб ўрганиб чиқилмасдан, маблағ ажратилмоқда. Бу эса туманда мавжуд муаммолар йиғилиб қолишига сабаб бўлаётир. Ваҳолонки, айни пайтда ички йўлларни таъмирлашга 75 миллиард сўмлик, ижтимоий соҳа объектларини жорий таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 158 миллиард сўмлик долзарб бўлган эҳтиёжи мавжуд.

Ҳудуднинг даромадлари шундай режалаштирилганки, бу билан туман мустақил бюджетга эга бўлмайди, ҳар доим юқори бюджетга боғлиқ бўлиб қолаверади, қанча харажатга рухсат беришса, шунча харажат амалга оширилади, ечимини кутаётган масалалар эса қолиб кетаверади. Бу эса туманнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига таъсир қилади. Сабаби, тўртта асосий солиқ ҳамда йиғимлар жорий йилги маҳаллий бюджет параметрларининг 52 фоизини ташкил қилади, қолган қисми эса бириктирилган даромадлардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, кейинги йилларни режалаштириш, янги мақсадлар қўйишнинг иложи йўқ.

Ўзаро суҳбат ва таклифларни инобатга олиб, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, бюджет мустақиллигига эришиш ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ечимини топиш мақсадида бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Парламент аъзоларининг аҳоли билан мулоқотлари давом этмоқда.

***Зиёда АШУРОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

## макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим шартидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

10 дан ортиқ иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларда умумий қиймати 419,5 миллион АҚШ долларилик 108 та лойиҳа ижросига киришилди.

Ташқи савдо алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон томонидан ташланган дадил қадамлар халқаро экспертлар, амалиётчилар томонидан юксак баҳоланаяпти. Чунки бу наинки Ўзбекистон, балки унинг ҳамкорлари иқтисодиёти равнақи учун ҳам ўта муҳим. Жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида 23 миллиард АҚШ доллари, Россия билан 16 миллиард, Жанубий Корея билан 10 миллиард, Туркия билан 3,5 миллиард, Қозоғистон билан 2,2 миллиард долларлик шартномалар имзолангани фикримиз тасдиғидир.

Анжуманда эътироф қилинганидек, жорий йилга мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилгани иқтисодий салоҳиятни янада кенгроқ намойиш этиш имконини бераётир. Сабаби, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида юртимизда ташқи савдо фаолияти тубдан соддалаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторларга қўшимча қулайликлар яратилаяпти, солиқ ҳамда божхона имтиёзлари берилмоқда. Шунга асосан, натижалар ҳам ортиб бораяпти. Хусусан, ўтган йили ташқи савдо айланмаси 26 миллиард 907 миллион АҚШ доллари бўлган бўлса, жорий йил биринчи чорагида бу кўрсаткич 7,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Якунда билдирилган таклиф ҳамда тавсиялар асосида республикамиз иқтисодиётини янада такомиллаштириш, инвестицион фаолликни ошириш, инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тегишли қарорлар ишлаб чиқилади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

### *Сўз — конференция иштирокчиларига*

**Раҳмон АЛШАНОВ,**
**Қозоғистон Фанлар академияси академиги, "Турон" университети ректори, Қозоғистон Республикаси олий таълим муассасалари уюшмаси президенти:**



— Ўзбекистон раҳбарияти бугун мамлакатни янги ривожланиш сари етакламоқда. Бу жиҳатлар ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислоҳотларда яққол намоён бўляпти. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси бунда дастуриламалдир.

Юртингиз ташқи сиёсатидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Бугун Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон юритаётган ислоҳотлар туфайли янги босқичга кўтарилди. Хусусан, мамлакатларимиз ҳамкорлиги ва дўстлигида янада ривожланиш кузатилмоқда. Мисол учун, 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили, келаси йил эса мамлакатингизда Қозоғистон йили деб эълон қилиниши муносабатларимиз нақадар мустаҳкамлигини яққол ифодалайди.

**Исаак БХАТТИ,**
**Австралиянинг Ла Троба университети профессори:**



— Ўзбекистонда охирги ярим йил ичида иккинчи маротаба бўлишим. Ўзим олис Австралияда истиқомат қилсам-да, мамлакатингизда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан доимо яқиндан танишиб боришга интиламан.

Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатингиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаяпти. Бу дастурнинг барча, жумладан, иқтисодий йўналишини чуқур ўрганиб чиқдим. У жуда пухта ва узоқни кўра билиб ишлаб чиқилган. Унинг дастлабки самараларини ўзбекистонликлар аллаққачон ўз турмуш тарзида ҳис қилмоқда. Буни биргина валюта бозорини эркинлаштириш мисолида айтишимиз мумкин.

Ўтган йили Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасига бағишланган йиғилишда қатнашдим. Ўзбекистон етакчиси тўрт соат давомида, ҳеч қандай танаффусларсиз халқ билан диллашгани, уларга мақсад-муддаоларини айтгани мени лол қолдирганди.

**Руслан ГРИНБЕРГ,**
**Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти илмий раҳбари, Халқаро иқтисодчилар иттифоқи ва Россия эркин иқтисодий жамияти вице-президенти:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев сиёсат оламига ҳақиқий ислоҳотчи сифатида кириб келди. Бугун ўзбекистонликлар янги руҳ, янги шижоат билан яшамоқда. Ҳар бир соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилаяпти.

Камина илм-фан соҳаси вакили бўлганим учун юртингизда бу соҳадаги саъй-ҳаракатларга катта қизиқиш билан қарайман. Давлат раҳбари бир неча бор академиклар билан учрашиб, соҳадаги муаммолар ҳақида суҳбатлашганидан яхши хабардорман. Қолаверса, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий изланишларини давом эттириши учун кенг имкониятлар яратиб беришда Президент бош-қош бўлаяпти. Буларнинг барчаси биз, хорижлик академикларни ҳам қувонтиради. Бундай эътибор туфайли яқин йиллар ичида Ўзбекистон илм-фани дунёда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаши, шубҳасиз.

**Хейзел МЕССЕНДЖЕР,**
**Буюк Британиянинг МВА маркази директори, Лондон метрополитен университети доктори:**



— Амалиётчи эксперт сифатида шуни айтишим мумкинки, юртингизда фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро уйғунлик мужассам. Бу эса кўплаб муваффақиятларга йўл очмоқда. Айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан Лондон метрополитен университети ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Хусусан, Буюк Британияда ўқув курси ташкил этишни режалаштирганмиз. Ушбу мастер-классда талаба-ёшлар маркетинг, халқаро молия ҳамда савдо йўналишларида ўқитилади. Мақсадимиз ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистонда ҳам ўқитишнинг янгича инновацион усулларини татбиқ этиш, соҳага малакали кадрларни тайёрлашга кўмаклашишдан иборатдир.

# Пул топишга эмас, савоб олишга шошилинг

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ишларни холис ниятда, савоб умидида, Аллоҳнинг розилиги учун қиладилар. Негаки, улар бу мукаррам ойда қилинган ҳар бир эзгу ишнинг мукофоти бир неча карра улуғ бўлишини яхши биладилар...

Бугунги ғанимат кунларда биз бозорларимизда, йирик савдо марказларида ана шундай саховатларга гувоҳмизми? Очиғи, бу саволга ҳар жойда ҳам бирдек ижобий жавоб топиш анча мушкул...

Қайтага Чирчиқ шаҳридаги деҳқон, Тошкент шаҳридаги "Ширин" бозорларида гуруч, гўшт маҳсулотлари қимматлашди. Тўғри, баҳор бошланиши билан тухум нархи бир озгина арзонлашгандек бўлди, лекин чаққон савдогарлар Рамазон кунлари тухумга эҳтиёж кўпайганини сездилар чоғи, етти хазинанинг бири бўлган беозор жонзотлар айни тухумлайдиган шу кунларда бу неъматнинг ҳам тушумини кўпайтиришга тушиб қолдилар...

Қулупнай-ку, майли, мавсуми ўтиб бораяпти, бироқ кундан-кун пишиб-етилаётганига қарамай, гилос, ўрик, олма, шафтоли нархи ошса, ошаяптики, арзонлашмаяпти.

"Бобурнома"да "Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас...", дейилади. Негаки, полиз бошига келган одам меҳмон-да. Меҳмон эса атойи Худо. Буни эслашдан муддао шуки, бозорларимиз-ку, майли, бир ёлғонга ўн ёлғонни қўшмаса куни ўтмайдиган олибсотарлар қўлида. Лекин дала бошига борган харидорга "Олаверинг, бизники деҳқончилик", дейдиган олиҳиммат танти деҳқонлар қолганми? Қулупнай мавсумида катта йўл ёқаларидан ўтсангиз, шундоқ эгатдан териб чиқиб сотилаётган меванинг нархи бозордагидан ўтса ўтдики, асло кам бўлмади...

Дарвоқе, гап бозордаги олибсотарлар устида бораётганди. Лавҳамизнинг бу қисмига бемалол "Деҳқон бозори: тонготар соат бешда..." деб сарлавҳа қўйсак ҳам бўлаверади. Шу вақтда бозорга келмабсиз, томошанинг зўрини кўрмабсиз!

Деҳқон шўрликни ҳар тарафдан талайдиган савдогарлар у олиб келган маҳсулотни кепак нархида сотиб олиш пайида бўладилар. Бозордаги расталарни аввалдан эгаллаб олган бу "ишбилармон"лар эса кун ёришиб, бозор қайнагач, уларни истаган нархда "майдалаб" савдо қилишади. Улар савдо-сотиқ "илми"ни роса эгаллашган. Аммо шариат қоидаларини, ҳадисларни кўп ҳам билишмаса керак. Шундайлар Имом Бухорийнинг "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" китобида келтирилган мана бу ҳадиснинг мағзини бир чақиб кўрсалар, яхши бўларди: **"Бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлларини тўсиб чиқиб, уларнинг молини кўтарасига сотиб олмоқ ва ул молни турган жойида қайта сотиб юбормоқ макруҳдир. Савдода бировни алдаган одамнинг топгани ҳаром бўлиб, ўзи осийдир. Чунки у билиб туриб бировни алдар, савдода эса алдов жоиз эрмас..."**

Бозорлардаги олибсотарлар нарх-навони белгилашаётган экан, майли, эҳтимол эркин бозор талабидир. Қолаверса, бунинг тўғри ёки ножоизлигига мутасаддилар муносабат билдиришар. Бироқ имон, инсоф талаби-чи?

Мамлакатимизда ўзига тўқ, иқтисодий бақувват тадбиркорлар, фермерлар, томорқа эгалари жуда кўп. Уларнинг бозор ҳудудларидан дўкон ёки раста сотиб олишга қурблари етади. Шундай экан, бозорларимизда йирик тадбиркорларнинг, фермерларнинг шахсий дўконларини ташкил этишни рағбатлантириш вақти етиб келди. Шояд, истеъмолчилар қилган харидларидан шод бўлиб, "Фалончи фермернинг ёки тадбиркорнинг дўконида саодатли кунлар муносабати билан нарх-наво арзонлашибди, барака топсин", дея дуо қилишса.

Муборак Рамазоннинг ўн икки куни ўтди, қолгани ҳам меҳмон. Пул топишга эмас, савоб олишга шошилинг, улгуриб қолинг...

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

